

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 8-dekabr, payshanba

№ 47 (9211)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингида кўпмиллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улуғ тарихий сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустақкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни кўлга киритдик.

Ана шундай мустақкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислохотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқарши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан

қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озод ва обод ҳаёт куриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди, албатта.

Мухтарам дўстлар! Дунё миқёсида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислохотларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва таклифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгарайётган даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда “**Инсон – жамият – давлат**” деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, қундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш бу борадаги ислохотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустақкамлаш, кекса авлод вакилларини, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби қўллаб-қувватлаш принциплари аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз – турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча таклиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқиладди.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Пандемия шароитига қарамасдан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги – 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмокдамиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу мақсадларни рўйга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустақкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмокда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

Азиз ва мухтарам ватандошлар! Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг қутлуғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сийхат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин! Барчамизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

Самарқанд шаҳрида 5-6 декабрь кунлари “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” глобал форуми бўлиб ўтди.



НАМАНГАНДА ГЕРМАНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЙИРИК КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида Германиянинг дунёга машҳур йирик “Hugo boss” брендида эга компания билан ҳамкорликда “Fazman tekstil” маъсулияти чекланган жамияти томонидан Европа стандартларига мос келадиган тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасининг биринчи навбати ишга туширилди.



Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда юртимизда яратилган ишбилармонлик муҳитидан оқилона фойдаланиб келаётган тадбиркорлар меҳнати ва салмокли ютуқлари эътироф этилди. Наманган вилоятига кенг кўламли инвестиция киритаётган Германиянинг “Карл Гросс”, Россия Федерациясининг “Демарк” ва “Роял сприд” компанияси вакилларига миннатдорлик билдирилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағларини жалб этиш, хорижий давлатлар ишбилармонлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш орқали дунёнинг йирик бренд компанияларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



тақавий ва миллий даражаларда такомиллаштириш зарур. Шу нуктаи назардан, Глобал форумнинг учинчи ялпи мажлиси бу борадаги илғор тажрибалар тўғрисида ахборотлар алмашиш ва шу асосда амалий тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланди.

ЮНЕСКО Бош директорининг Таълим масалалари бўйича ўринбосари Стефания Жаннини

ҳамда Парламентлараро Иттифок Президенти Дуарте Пачеконинг видеоурожаатлари тингланди.

Иштирокчиларнинг таклиф ва тавсиялари асосида “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси (2023-2025)” қабул қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

ОБУНА МАВСУМИ ДАВОМ ЭТАДИ!

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР, “ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ”НИНГ КўП ЙИЛЛИК ҚАДРДОНЛАРИ, ҲАМФИКРЛАРИ, ҲАМКОРЛАРИ!

Бугун ўзингизга яхши маълумки, юртимизда кейинги йил учун даврий нашрларга обуна уюштириш даври. Бу давр шундай ўтмокдаки, газетанинг жамиятдаги ўрнига бефарқ қараш, унинг хизматини шубҳа остига олиш каби негатив қарашли фикрлар ҳам қўлогингизга чалиниб тургандир? Бундай ҳулосалар аллақачоноқ бутун дунёда, хусусан, юртимизда ҳам асоссиз фикрлар эканлиги ўз тасдиғини топиб бўлди. Бугун газета ва унинг муштарийси ҳамфикр бўладиган пайт келди. Газета ҳеч қачон Сизнинг беминнат ҳаммаслагингиз бўлиш ниятидан воз кечмайди. Сизнинг ҳам ўз хизматинингизга беминнат киришувчи нашрингизни маҳкам кучиб, қўллайдиган пайтингиз бугун. Биз Сизга ишонамиз. Шу мақсадда бугун давом этаётган обуна мавсумида қарийб 50 йил давомида ҳаммаслагингиз бўлган ўз нашрингизга обуна бўлишда асло иккиланманг! Сиз обуна бўлиб, ўз-ўзингизга бир йил давомида маънавий-маърифий дастёрингиз, фаолиятда кўмакчингизни танланг.

“ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ” Сиз билан

ОБУНА ОБУНА УЮШТИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ВА ТАХРИРИЯТ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.
Тахририят билан боғланиш учун телефон рақамлар: 71-233-40-87, 71-233-09-93, 71-233-28-04, 95-080-43-70, 99-050-69-45, 90-317-19-16.

➤ **Қарор ва ижро**

АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗДА МАҲАЛЛИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкент шаҳридаги “Москва муҳандислик-физика институти” миллий тадқиқот ядро университетининг филиали тўрт йилдан буён фаолият юритмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги “Тошкент шаҳрида “ИМФИ” миллий тадқиқот ядро университети” федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган мазкур олийгоҳда 300 нафардан зиёд талаба жаҳон таълим стандартлари асосида таҳсил олади.

ЎЗА МУХБИРИНИНГ Тошкент шаҳридаги “Москва муҳандислик-физика институти” Миллий тадқиқот ядро университети филиали ижрочи директори Шавкат АБДУКАМИЛОВ билан суҳбатимиз ушбу олийгоҳдаги талабаларга яратилган шарт-шароитлар, таълим ва тарбия жараёнлари хусусида бўлди.

– Аввало, Тошкент шаҳридаги “Москва муҳандислик-физика институти” Миллий тадқиқот ядро университетининг филиалини очишининг асосий сабаблари ҳақида тўхталсам, – деди Ш.Абдукамилов. – 2017 йил декабрь ойда Тошкентда Россия ва Ўзбекистон ҳукуматлари ўртасида атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Ушбу келишувга мувофиқ, томонлар ўртасида илк маротаба ядровий қурилмаларни куриш ва фойдаланишда ҳамкорлик қилиш йўналишлари белгиланган эди. Шундан сўнг, 2018 йилнинг сентябрь ойда Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атом электр станциясини куриш тўғрисидаги битим имзоланди ва унга кўра ҳар бири 1200 мегаватт қувватга эга “ВВЭР” типидagi иккита энергоблокка эга атом электр станциясини куриш режалаштирилган. Юқоридаги ҳужжатлар икки давлат ўртасида атом энергиясидан тинч мақсадда фойдаланиш соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлиқнинг ҳуқуқий асосини яратди.

Атом электр станцияларини куришда ва улардан фойдаланишда энг замонавий ва илғор технологиялардан фойдаланилади. Шунинг учун чуқур билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар зарур. Муаммоларнинг мураккаблиги ва уларни комплекс ва тизимли ҳал этиш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда, атом саноатида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини таъминлашга қодир ёш илмий ва муҳандис кадрларини тайёрлаш учун Тошкент шаҳрида “ИМФИ” Миллий тадқиқот ядро университетининг филиалини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

– Демак, юртимизда атом энергетикаси соҳасини ривожлантиришда ушбу даргоҳ салоҳиятли кадрларни етказиб беради. Айтингчи, филиалнинг мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртиларидан фарқи нимада ва бу ерда қайси мутахассислар тайёрланади?

– Тўғри таъкидладигиниз, филиалимизда салоҳиятли кадрларни тайёрлаш учун зарур қўлайликлар яратилган ва бу ерда талабаларга ўз касбининг билимдони ва кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган маҳаллий ва россиялик ўқитувчилар таълим беради.

Ҳар бир олий даргоҳнинг тартиб-тамоийли ва талаблари бўлади. Шу каби бизнинг филиалда ҳам ўқув жараёнлари бироз мураккаброқ. Эътибор берган бўлсангиз, университет “Миллий тадқиқот” мақомига эга. Бу ерда талабаларга математика ва физика фанларининг бўлимлари чуқурроқ ўргатилади ва натижада битирувчилар муҳандислик соҳаларидан ташқари илм-фан соҳасида ҳам ишлай олади. Бундан ташқари, филиалда ўқув жараёни тўлиқ Москва шаҳридаги бош университет ўқув режалари ва дастурлари асосида ташкил этилган. Олий даргоҳда таълим сифатига катта эътибор берилади. “ИМФИ” Миллий тадқиқот ядро университети халқаро рейтингларда ТОП-500ликка киририлгани ҳам айнан сифат билан боғлиқдир.

(Давоми 2-саҳифада)



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ

(Боши 1-саҳифада)
Форумнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармасининг Марказий Осиёдаги Инсон ҳуқуқлари таълими бўйича минтақавий вакили вазифасини бажарувчи Фабио Пиана дастурда кўзда тутилган барча тадбирлар муваффақиятли ўтгани, мавзулар юзасидан муҳим таклиф ва ташаббуслар билдирилганини таъкидлади.
— Ялпи мажлис ва сессияларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичини амалга ошириш натижалари муҳокама қилинди, — деди А.Саидов. — Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

мавжуд халқаро ва минтақавий ҳужжатлар ҳамда ёндашувларни қўллаш масаласи таҳлил қилинди. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича қўлга киритилган энг самарали тажриба ва амалиётни ўрганиш, тарғиб қилиш ва жорий этиш ҳолати ҳамда имкониятларига баҳо берилди. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг бешинчи босқичи асосий

йўналишлари бўйича таклифлар қўриб чиқилди.
Глобал форум якунида иштирокчиларнинг тажрибаси ушбу вазифаларни амалга оширишга яқиндан ёрдам беришига ишонч билдирилди. Чунки бунда “таълим ва тарбияда танаффус бўлмайди”, деган тамойилга амал қилиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбияни, оилада, мактабга таълимда,

мактаб ёшида, олий таълимда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари каби профессионал институтлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали узлуксиз давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.
Самарқанд форуми давомида “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2020 йилда таъсис этилган мазкур нишон ҳар йили 10 декабрь — Халқаро инсон ҳуқуқлари кунни арафасида топширилади. Жорий йилда ушбу муқофотга 6 нафар ҳамюртимиз, 2 нафар чет эл фуқароси ва 2 та нодавлат нотижорат ташкилоти сазовор бўлди.
Кўкрак нишонини Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ўз эгаларига тантанали топширди.
Форум тадбирлари доирасида Самарқанд давлат университети-

да “Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим бўйича маҳорат дарслари” ўтказилди.
Машғулотларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юридик йўналишда фаолият олиб боровчи 20 дан ортиқ олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларидан 6500 дан ортиқ профессор-ўқитувчи, прокуратура ходимлари, бакалаврият ва магистратура йўналишида таҳсил олаётган талабалар, илмий фаолият билан шуғулланаётган ёш олимлар иштирок этди. Шунингдек, Адлия вазирлиги тизимидаги 14 та юридик коллеж ўқувчилари матърийфий-ҳуқуқий тадбирда фаол қатнашди.
Энг муҳими, Глобал форум якунлари бўйича қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантиришга оид Самарқанд ҳаракатлар режасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим ва тарбияни самарали амалга ошириш борасида халқаро ҳамжамият, миллий ҳукуматлар, ўқув ва илмий муассасалар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари олдидан турган вазифа, таклиф ва тавсиялар ўз ифодасини топди.
Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.



Ҳотан МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

НАМАНГАНДА ГЕРМАНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЙИРИК КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)
Хорижий инвесторлар учун яратилган қулай ишбилармонлик муҳити натижасида ҳозирги кунда вилоятда дунёнинг йирик “Waikiki” (Туркия), “Baldessarini” (Германия), “Zaga” (Испания) брендига эга қатор компаниялари билан ҳамкорликда тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Хусусан, дунёнинг йирик “Hugo boss” брендига эга компанияси билан ҳамкорликда “Fazman tekstil” масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 40 миллион долларга тенг бўлган лойиҳанинг тўлиқ қувват билан ишга тушиши ҳисобига келгусида 3 000 та янги иш ўрни яратилади. Лойиҳанинг дастлабки босқичи учун жами 20 миллион доллар сарфланиб, минга яқин иш ўрни ташкил этилди. Эътиборлиси, янги йирик корхонанинг самарали ва барқарор фаолият юритиши мақсадида Германия, Туркия давлатларидан замонавий асбоб-ускуналар олиб келиб, ўрнатилди.
— Корхонамизда йилга 1 миллион донга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қуввати яратилиб, йиллик экспорт ҳажми 15 миллион долларни ташкил этади, — дейди таъсисчи тадбиркор Нейматжон Фатҳиддинов. — “Hugo boss” бренди остида костюм-шим, эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.
Хорижий инвесторлар сармояси натижасида бугунги кунда бир вақтнинг ўзида битта корхонада 1000 нафардан зиёд киши меҳнат қиладиган корхоналар сони 20 дан ошди. Бу эса текстиль соҳасида Республикада етакчи ўринда турадиган Наманган вилоятининг салоҳияти ва иқтисодийётига ижобий таъсир кўрсатади.
Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдураззоқов иштирок этди.
Оқилхон ДАДАБОВЕВ, ЎЗА мухбири.

ҚИШ МАВСУМИДА БОТУЛИЗМДАН САҚЛАНИҲ

Қиш мавсуми бошланиши билан уй шароитида таёёрланган кансерва ва елим идишларда таёёрланган тузлама маҳсулотлари истеъмолини чеклаш мақсадида ФВ бўлими ходимлари томонидан бозорлар ва аҳоли хонадонларида профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.
Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Сергели тумани ҳудудида жойлашган “Деҳқон озиқ-овқат бозори”да ўтказилди. Туман ФВ бўлими, туман СЭО ва ЖСХ ходимлари билан ҳамкорликда ботулизм касаллигининг олдини олиш мақсадида ўтказилган профилактик кўриқлар даврида истеъмолга яроқсиз 110 литр анор шарбати, 48 кг. мол ичаги азолари, 40 дан ортиқ елим идишларга қадоқланган ҳар хил турдаги тузлама маҳсулотлари утилизация қилинди. Бу каби тадбирлар ҳозирда кучайтирилган тартибда олиб борилмоқда. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад бозорларда, аҳоли яшаш хонадонларида яроқсиз маҳсулотлар истеъмолини чеклаш ва ботулизм касаллигининг олдини олишга қаратилгандир.
Даврон РАЖАБОВ, Сергели тумани ФВБ ФВДТ ва ФМ ФТЭ, ХТ бўлимида бошлик, капта лейтенант.

АТОМ ЭНЕРГЕТИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МАМЛАКАТИМИЗДА МАҲАЛЛИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)
Филиалда талабаларимиз ҳозирча бакалавриятнинг “Ядро энергетикаси ва иссиқлик физикаси”, “Ядро физикаси ва технологиялари”, “Иссиқлик энергетикаси ва иссиқлик техникаси” ва “Электр энергетикаси ва электротехника” йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда.
— Бу ерда ўқишга қабул қилиш жараёни қандай? Таълим факат давлат гранти асосида бериладими?
— Даргоҳимизда талабалар физика, математика ва рус тили фанларидан кириш имтиҳонлари натижаларига кўра сараланади. Имтиҳонлар ёзма шаклда Россиянинг ягона давлат имтиҳонлари саволлари асосида ўтказилади. Абитуриентлар учун кириш имтиҳонлари ёзинг июль ойида ўтказилади. Энг кўп балл тўплаган 100 нафар абитуриент ўқишга қабул қилиниб, давлат гранти асосида бепул таълим олади. Барча талабалар ўқишни битирганидан сўнг иш билан таъминланади. Филиал биринчи талабаларни 2019 йилнинг сентябрь ойида қабул қилган ва 2022/2023 ўқув йилида биринчи бакалаврлар ўқишни битириши кутилмоқда.
Шуни айтиб ўтиш жоизки, 2023 йилда филиалда мавжуд бакалаврият йўналишлари бўйича магистрик дастурларини очилиши режалаштирилмоқда.
Тошкент шаҳридаги “Москва муҳандислик-физика институт” Миллий тадқиқот ядро университетининг филиали ядро физикаси ва технологиясининг энг муҳим илмий, технологик ва ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал этишга, шунингдек, фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришга қодир бўлган халқаро таълим стандартлари даражасида юқори малакали муҳандис-техник кадрларни тайёрлайди. Талабалар халқаро таълим дастурлари, халқаро танловлар, шунингдек, Ўзбекистон ва Россиянинг энергетика объектлари ва етакчи тадқиқот институтларида амалиёт ўтади.
— Ўқитувчилар ва талабаларга яратилган шароитлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.
— Филиалнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти ҳудудида барпо этилганида ҳам ўзига хос маъно бор. Чунки талабалар бу ерда таълим олиб, амалиётни Ядро физикаси институтида ўташи ҳар жиҳатдан қулайдир. Олий даргоҳда талабаларнинг ўқиши ва яшаши учун халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий ўқув биноси қурилган ва у энг сўнгги лаборатория ва ўқув анжумалари билан жиҳозланган.
Кутубхона фонди бой, барча фанлар бўйича етарли адабиётлар ҳамда бадий китоблар билан тўлдирилган. Шунингдек, кутубхона Москвадаги бош университет ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон базасига уланган. Талабалар ўзига зарур китобларни айнан шу манбалардан олиши мумкин.
Филиалдан бор йўғи 700 метр узоқликда талабалар учун ётоқхона мажмуи ҳам бунёд этилган. У 200 ўринли талабалар ётоқхона-

си, ўқитувчилар учун 63 хонадондан иборат кўп қаватли турар жой бинолари, спортзал ва ошхонадан иборат.
— Жорий йилнинг 21-22 ноябрь кунлари Сочида “Атом баҳори: Барқарор келажак яратиш” шиори остида “Атомэкспо-2022” халқаро форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди. Ушбу нуфузли тадбирда иштирок этишининг фойдали жиҳатлари нималарда акс этди?
— Сочида ўтказилган мазкур форум дунёнинг кўплаб давлатлари соҳа вакиллари учун ўзаро мулоқот ва алоқаларни ўрнатишда муҳим ҳисобланади. Ушбу халқаро тадбир Ўзбекистон делегациясига ҳам ядро технологиялари янгилликлари билан танишиш ва атом энергетикасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.
Форумда Ўзбекистон номидан Энергетика вазирлиги, “Узатом” агентлиги, ЎзФА Ядро физикаси институти, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳридаги “Москва муҳандислик-физика институт” Миллий тадқиқот ядро университетининг филиалидан вакиллар, жумладан, талабаларимиз ҳам иштирок этди.
Форумда 65 та хориж давлатидан 3344 нафар делегат, жумладан, жаҳон атом саноатининг энг йирик компаниялари, давлат идоралари, халқаро ва жамоат ташкилотлари раҳбарлар, етакчи экспертлар қатнашди. Бу ўзбекистонлик соҳа вакиллари учун катта майдон ва ҳар томонлама қулай фурсатдир.

Форумнинг асосий мавзуси глобал атом энергетикасининг қайта тикланиши билан боғлиқ бўлди. Мен олий даргоҳ раҳбари сифатида “Университет кампусларининг жорий моделлари: бугунги куннинг муаммолари” номли тақдиротда филиал талабалари кампуси ҳақида чиқиш қилдим. Хорижий ҳамкасблар филиалда талабалар учун яратилган шароитларга юқори баҳо бердилар ва келажакда бир қатор халқаро конференциялар, семинар ва ўқув курсларини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.
Форумнинг иккинчи кунинда “Экспортни ривожлантириш мақсадида Россиянинг йирик компаниялари IT-интеграторларининг синергияси долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзусида ўтказилган давра суҳбатига маъруза қилдим. Бугунги кунда Ўзбекистонда Россиянинг 15 та илғор олий ўқув юртининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Лекин уларнинг ҳеч бирида IT-таълим йўналишлари очилмаган. Маърузамда ушбу масалани бош олий ўқув юртлари билан биргаликда қўриб чиқиш кераклиги юзасидан таклиф билдирдим. Ушбу таклиф давра суҳбатига иштирок этаётган экспертлар томонидан ижобий қабул қилинди.
Шунингдек, форум доирасида “Росатом” корпоратив академияси ва “Русатом — Халқаро тармоқ” кўмағида ёшлар дастури ҳам ташкил этилди. Унда филиалимиз вакиллари қатнашди. Дастур тоза энергия ва технология кун тартибни илгари сурадиган халқаро ёшлар ҳамжамиятини ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.
ЎЗА мухбири Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

Ў Хуқуқий саводхонлик

Пудрат шартномаси бўйича пудратчи буюртмачининг топшириғига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонунчиликда ёхуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи таваккал қилади.

Пудрат шартномаси ашёни тайёрлаш ёки уни қайта ишлаш ёхуд бошқа ишни бажариб, натижасини буюртмачига бериш ёки бошқача тарзда топшириш ҳақида тузилади. Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчининг пудрат шартномасида шартлашилган ишни топшириш муддати келгунча материалларни берган тараф зиммасида, бу муддатдан кейин эса ишни топширишни кечиктириб юборган тараф зиммасида бўлади. Агар қонунчиликда ёки пудрат шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариш мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисmini бажариш учун бошқа шахс-

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ ШАРТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

лар (ёрдамчи пудратчилар)ни жалб қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи бош пудратчи ҳисобланади. Пудрат шартномасида ишни бажаришнинг бошланғич ва охири муддатлари кўрсатилади. Тарафлар ўртасидаги келишувга мувофиқ, шартномада ишнинг айрим босқичларини тугаллаш муддатлари ҳам назарда тутилиши мумкин. Шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, пудратчи ишни бажаришнинг бошланғич ва охириги, шунингдек, оралиқ муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади. Шартномада кўрсатилган ишни бажаришнинг бошланғич, охириги ва оралиқ муддатлари унда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ўзгартирилиши мумкин. Шартномадаги ишнинг баҳоси пудратчининг чиқимларини ва унга тўланадиган ҳақни ўз ичига

олади. Ишнинг баҳоси смета тузиш йўли билан аниқланиши мумкин. Иш пудратчи томонидан тузилган смета бўйича бажарилган тақдирда, смета буюртмачи томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга эга бўлади ва пудрат шартномасининг бир қисми бўлиб қолади. Ишнинг баҳоси тахминий ёки қатъий бўлиши мумкин. Пудрат шартномасида бундай кўрсатма бўлмаса, ишнинг баҳоси (смета) қатъий ҳисобланади. Агар қўшимча ишларни бажариш зарур бўлиб қолса ва шу сабабли ишнинг тахминан белгиланган баҳосини анча оширишга тўғри келса, пудратчи бу ҳақда буюртмачини вақтида огоҳлантириши шарт. Буюртмачи пудрат шартномасида кўрсатилган ишнинг баҳосини (сметани) оширишга рози бўлмаган тақдирда, шартномадан воз кечиш-

га ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи буюртмачидан ишнинг бажарилган қисмининг баҳосини тўлашни талаб қилиши мумкин. Буюртмачи пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда исталган вақтда ишнинг боришини ва сифатини текширишга ҳақли. Агар пудратчи пудрат шартномасини бажаришга ўз вақтида киришмаса ёки ишни суи бажариши натижасида уни белгиланган муддатда тугатиш мумкин эмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи шартномадан воз кечиб, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Шу билан бирга агар иш кечиктириб бажариладиган бўлса, буюртмачи шартномага нисбатан ўз қизқиқчилини йўқотганлигини исбот қилиши лозим. Агар ишни бажариш вақтида унинг тегишли даражада бажарилмаслиги аниқ бўлиб қолса, буюртмачи

пудратчи камчиликларни йўқотиш учун оқилона муддат белгилашга ва бу талабни пудратчи белгиланган муддатда бажармаган тақдирда пудрат шартномасидан воз кечишга ёхуд бу камчиликларни пудратчи ҳисобидан тугатишни бошқа шахсга топширишга, шунингдек, етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномадан воз кечганлиги тўғрисидаги огоҳлантириш олингунга қадар бажарилган ишга мутаносиб қисmini тўлаши мумкин. Буюртмачи пудратчи шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни ҳам бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши шарт. Буюртмачи бажарилган ишни (унинг натижасини) пудрат шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда пудратчи иштирокида қўриб чиқиши ва

қабул қилиши, иш натижасини ёмонлаштирадиган даражада шартномадан чекиниш ёки бошқа камчиликлар аниқланган тақдирда эса, бу тўғрида пудратчи дархол маълум қилиши шарт. Ишни қабул қилиш вақтида унинг камчиликларини аниқлаган буюртмачи бу камчиликлар ёхуд уларни тугатиш тўғрисида кейинчалик талаб қўйиш мумкинлиги далолатнома ёки қабул қилишни тасдиқловчи бошқа ҳужжатда кўрсатилган ҳоллардагина уларни важ қилиб келтиришга ҳақли. Буюртмачи ишни текширмасдан қабул қилган бўлса, уни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлган камчиликлар (очиқ кўриниб турган камчиликлар)ни далил қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Буюртмачи иш қабул қилиб олингандан сўнг унда пудрат шартномасидан чекинишлар ёки ишни қабул қилишнинг оддий усулида аниқланиши мумкин бўлмаган бошқа хил камчиликлар (яширин камчиликлар)ни, шу жумладан, пудратчи қасддан яширган камчиликларни аниқласа, улар аниқланганидан сўнг ўн кунлик муддат ичида бу тўғрида пудратчи хабар қилиши шарт. Агар буюртмачининг бажарилган ишни қабул қилишдан бош тортиши ишни топшириш кечикиб кетишига сабаб бўлган бўлса, тайёрланган (қайта ишланган) ашёнинг тасодифан нобуд бўлиш хавфи ашё топширилиши лозим бўлган пайтда буюртмачига ўтган деб ҳисобланади.
Азиз ҚУДРАТОВ, Сирдарё туманлараро иқтисодий суди судьяси.




Унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадрият этиб белгиланди

КОНСТИТУЦИЯ

СИЁСІЙ, ІЖТІМОІЙ, ҲУҚУҚІЙ
ТИЗИМЛАРНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРУВЧИ КУЧ

Мустақиллигимизнинг дастлабки давридаёқ қабул қилинган Конституциямиз мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалардан бири сифатида эътироф этилади. Муҳимлиги шундаки, унда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати энг олий қадрият этиб белгиланди.



Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси миллий давлатчилигимизнинг чуқур илдиэлари ва ривожланган мамлакатлар тажрибаларига асосланган, халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир умум эътироф этилган барча ҳуқуқий қоидалари устунлиги тан олинган ҳолда, халқимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий тафаккурининг маҳсули сифатида қабул қилинган бўлиб, республикамизда амалга оширилаётган барча изчил ислохотларнинг ҳуқуқий пойдевориға айланди. Шу билан бирға у Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий тизимларини ҳаракатға келтирувчи, етакловчи ва ҳимоя қилувчи кучдир ҳамда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаб беради ва қафолатлайди. Шу билан бирға, давлат хизматчиларини унга ҳурмат кўрсатиш ва ҳаётға тадбиқ этишға ундайди. Бунда ҳар бир миллатнинг Конституцияси ўша халқнинг ўзига хос маданияти, шаорити ва қадриятларини ўзида

акс эттиради. Президентимизнинг 2017 йил 20 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма беш йиллигини нишонлашға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойишида қайд этилганидек, “Халқимиз сиёсий тафаккурининг ноёб намунаси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч-оқойишта ҳаёти, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларининг мустаҳкам қафолати сифатида юртимизда бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлиғига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқарлик жамятии барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаши борасида асосий пойдевор бўлиб келмоқда”.

Асосий Қонунимиз яратилишининг мураккаб ва муҳим, айнаи чоғда шарафли солномасига назар солар эканмиз, ҳеч шубҳасиз,

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканиға комил ишонч ҳосил қиламиз. Қолаверса, манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда, Асосий Қонунимиз ривожланган 97 та хорижий мамлакатнинг тўплаган илғор конституциявий тажрибасини ҳисобға олиб яратилган. Зотан, Конституцияни яратиш тарихи бу мустақиллик учун курашнинг узвий таркибий қисмидир.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз парламенти томонидан Конституцияға жами 16 маротаба ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Шунингдек, унинг қоидаларини янада такомиллаштириш мақсадида 8 та конституциявий қонун, 15 та кодекс, 600 дан зиёд қонун қабул қилди, 200 дан ортиқ кўп томонлама халқаро шартномаини ратификация қилди ва шу тарика Асосий Қонунимизни амалға оширишнинг яхлит ҳуқуқий механизми яратилди. Унинг самарадорлигини вақт ўзи кўрсатиб турибди

ва бу бугун жаҳон ҳамжамяти томонидан эътироф этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни кўзлаган ҳар қандай давлатда Конституция устувор аҳамият касб этади. Чунки, бу Асосий Қомусда давлатнинг Бош принциплари, қонуннинг устуворлиги, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, давлат ҳоқимиятини ташкил этиш асослари мустаҳкамланади.

Мухтасар айтганда, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёға танитадиган, халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирадиган, Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ҳамда ҳуқуқий тизимларини ҳаракатға келтирувчи, етакловчи ва ҳимоя қилувчи куч бу Конституция-миздир.

Содиқ ЮЛДОШОВ,
Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги унiversитети профессори.

☀️ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

Деҳқончиликдан хабари йўқ одам шу саволни бирор кекса, тажрибали кишиға бериб, ундан жўяли жавоб олмагунча кўнгли тинчимайди. Бободеҳқонлар эса шўр ювишнинг фойдасини билади. Қадим замонларда ҳам деҳқон борки, совуқ кунлари озгина бўлса ҳам ерининг шўрини ювган, чилла сувига қондирган. Ана ундан кейин ёзда бунинг нафини кўрган. Шўри ювилган ернинг ҳосили ортган, экини саратон оий ўртасигача чанқаман.

ШЎР ЮВИШ ТАДБИРИ НЕГА ҚИШДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Ҳозирги тилда айтганда, ҳосилдорлик гектарига 5 центнергача ошган. Риштон туманининг Жаҳонобод қишлоғида Абдуқодир полвон Жумабоев деган суяғи да- лада қотган одам бўлади. Унинг туриши полвонсифат бўлиб, ўзи ҳам кураги ерга тегмаган полвон эди, пахта- чликда ҳам донг таратган- ди. Ёшлигидан пахтачилик бригадасига бош бўлиб анча йиллар ишлади, кейин хўжаликнинг бўлимиға бошчилик қилди. Бригадирлик пайтида ҳам, бўлимға раҳбар бўлган йиллари ҳам ҳар йили пахта етиштириш режалари оширилиб бажариларди. Бажарилганда ҳам биринчи- лардан бажариларди. Кейин вилоятдан тортиб тумангача, хўжаликдан тортиб қишлоқ кенгашигача раҳбарлар ке- либ мукофот устиға мукофот берарди. У эса кулиб-кулиб раҳматлар айтарди, бўлим- нинг ҳамма бригадаларида қўйлар сўйилиб, деҳқонлар сўйланарди. Бир куни, бундан ўттиз йиллар чамаси бурун, табриклагани келган янги раҳ- барлардан бири унга очилиб, сочилиб бир савол берди.

– Полвон ака, – деди кўп- чилик олдида. – Менға айтиб берингчи, ҳар йили биринчи бўлишингизға нима сабаб бўляпти. Ўзим-ку ичимда бир нарсани ўйлаб турибман, лекин унга ҳам шубҳам бор, ўзингиз айта қўлинг бунинг сирини. Ахир, ёнингиздаги бўлимлар билан шароитингиз бир бўлса, бир ариқдан сув ичасизлар, ер шарои- тингиз бир, ўғит ҳам бирдай солинади, ҳосилға келганда сизларда бўлиқ ҳосил тош

босаверади?!

– Энди Мусажон Қоси- мов, – деган эди Абдуқодир полвон унга қараб. – Сиз ёш бўлсангиз ҳам олий маълумотли агрономсиз, балки биларсиз, балки йўқ. Энди сизға “сиримни” очаман, аммо-лекин майли бошқа- лар билсаям, бари-бир улар қилолмайди, бўйинлари ёр бермайди. Чунки қишда совқотиш керак, кетмон кўта- риб юриб тер тўкиш керак.

– Хўш-хўш, – деди Муса- жон Қосимов. – Айтинг энди, қани мен ўйлаганим тўғри қишқармикан ёки йўқ. Би- либ олсак яхши-да, бошқаларға айтамиз.

– Сир шундаки, мен отам- дан қишда ернинг шўрини ювишни ўрганганман, кейин чилла сувига қондирши- ням, – у гапим раҳбарға қандай таъсир қилди экан, деб мийғида кулиб турарди. – Ана шунинг учун ҳам биз ён қўшнилардан анча кўп пахта олардик. Биз қўшниларимиз- га ҳам кўп айтганмиз. Ахир, қиш чилласида ким ҳам да- лада сув тутайди? Ҳоқим ҳам ичида шуни ўйлаб турган экан, хурсанд бўлди. Уша йиллари қишлоқ хўжалиги оқсоқ эди, энди уни кўтариш учун олиб борилаётган бар- ча ишларға ҳоқимлар жавоб берарди. Ёш ҳоқим учун Аб- дуқодир полвоннинг айтиб берган бу “сири” аслида сир эмас эди, бироқ у ҳазил ара- лаш шундай атади. Шу йили кузги-қишки ишлар мавсуми- га шўр ювиш ва чилла суви бериш ишлариға жуда катта аҳамият берилди. Туман ке- ласи йили ҳосилдорлик бўйи- ча катта меҳнат ғалабасига

эришди...

Орадан неча йиллар ўт- ган бўлса, вилоят қатъият- лик билан кузги-қишки ишлар сирасида биринчи навбатға ариқ-зовурларни тозалашни қўйса, кейингисига ерларнинг шўрини ювиш, чилла суви бе- ришни қўйиб келмоқда. Бар- ча ишларни ташкиллаш, ўз вақтида ўтказиш, ташкилий ишларни амалға оширишда бариин бир соҳа мутахассис- лари тизимлар яхши иш олиб бораётгани муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

– Кекса бободеҳқонлари- миз ичида “Кузнинг ҳосили қишда белгиланади” деган гап юради, – дейди вилоят ҳоқимининг қишлоқ ва сув хў- жалиги масалалари бўйича ўринбосари Алибек Турсу- нов. – Бу дегани кузги-қишки ишларға жиддий эътибор бе- риш лозим деганидир. Вилоя- тимизда ҳосил йиғиб олини- гандан кейиноқ кузги-қишки ишларни ташкил этиш, сув иншоотларини таъмирлаш, шўр ювиш, чилла суви бериш каби ишларни ташкил этишға бағишланган кўргазмали се- минарлар ўтказилди. Бу эса барча бўғиндаги мутахассис- лар, раҳбарлар, фермерлар, кластерлар масъулиятини оширди, бир-бирларининг тажрибаларини ўрганишға қўл келди. Бу ишларға дав- лат тегишли маблағ ажрат- ди. Бизда ҳар бир мавсумда бажариладиган ишларни ўз вақтида ва сифатли ба- жариш учун аввало тизим яратилади. Унинг ипидан игнасиғача таъминланган, иш бошланади. Ҳозирги пайтда коллекторларни, каналлар- ни, хўжаликлараро ариқ ва

➡ Кузнинг ҳосили қишда белгиланади



зовурларни тозалаш, таъ- мирлаш ва тиклаш учун ҳам тизим яратилган. Бунга сув дарвозалари ҳам қиради. Агар буларға эътиборсиз қаралса иш барбод бўлиши аниқ. Кластерлар ҳам ман- фаатига қараб сув идорала- рига, фермерларға қараша- ётгани учун миннатдорчилик айтишға лойиқ.

Бу йил қишда вилоят бўйича 54 минг 340 гектар ернинг полвон олинди. Вилоят бўйича 101 та шўр ювиш отряди тузилди. Уларға пол олиш тракторлари, пол- ларни ямаш, сув тўлдириш, тақрорий сув тўлдириш учун масъуллар беркитиб қўйилган.

– Вилоят бўйича экин ер- ларининг шўрланиш даража- си ўрганилиб, унинг тупроқ таркиби, мелиоратив ҳолати, қай даражада шўри ювилса тозаланиши мутахассислари- миз томонидан ўрганилган, – дейди Сирдарё-Сўх ирри- гация тизимлари хавза бош- қармаси бошлиғи Фахрид- дин Турсунов. – Жами экин майдонлари учға бўлинди. Биринчиси, кучсиз шўрланган ерлар 48 минг 400 гектарни ташкил қилады. Бу ерлар асосан Фурқат, Бувайда, Учкўприк туманларида ва бошқа баъзи туманларнинг алоҳида олинган ерларини ташкил қилады. Иккинчи тои- фаға кирувчи ерлар Бешарик, Ўзбекистон, Данғара, Фурқат туманлари ва бошқа туман- ларнинг алоҳида олинган ерлари ҳисобланади. Учин- чи тоифадаги ерлар кучли шўрланган ерлар бўлиб, улар асосан Фурқат туманидаги

Қолгандарё чўлларидаги ер- ларни ташкил қилады.

Бугунги кунда вилоятнинг Данғара, Фурқат, Риштон, Бе- шарик, Бувайда ва бошқа ту- манлари ирригация бўлимли- ри, махсус хизмат ходимлари ишчи ходимлари билан бе- восита ҳамкорликда фермер хўжаликларини жалб этиб, полларни ямаш, ариқларни сув олишға тайёрлаш каби ишларни бажармоқдалар.

Хавза бошқармаси ҳузу- ридаги Мелиоратив экспе- дицияси бошлиғи Зухриддин Исмоилов жойлардаги бў- лимлар ишини назорат қилиш билан бирға уларға амалий ёрдам уюштиришға бош-қош бўляпти. Туманларда бўлиб ўтган амалий семинарлар- да шўр ювишнинг аҳамияти атрофлича тушунтирилди. Чилла суви беришнинг ерга нам тўплашдаги бекиёс нафи ҳам деҳқонлар тажрибалари асосида атрофлича тушунти- рилгани баъзи фермерлар учун жуда фойдали бўлган- ини алоҳида айтиш лозим. Бу тушунтиришлар ўзининг натижаларини бермоқда.

“Катта Фарғона”, “Жану- бий Фарғона”, “Катта Анди- жон” магистрал каналлари суви 20 кунға тўхтатилган. Вилоятға қирадиган сувлар асосан шу каналлар орқали келади. Вилоят фермерла- ри сувчилар кучига таяниб қисқа вақт ичида шўр ювиш ва чилла суви бериш ишла- рини яқунлаш учун тўпланиб қолган қумлар, табиий чўкма- ларни олиб ташламоқда. Сув йўллари ровонлашганда...

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
Сирдарё-Сўх ИТХБ матбуот котиби.

ЎЗСANOATҚУРИЛИШBANKДА “ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ” ЎТКАЗИЛДИ

9 декабрь – Халқаро коррупцияға қарши курашиш куни муносабати билан Ўзсаноатқурилишбанк бош офисида “Очиқ эшиклар куни” бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияға қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда банк томонидан жорий қилинган Коррупцияға қарши менежмент тизими талаблари доирасида олиб борилган ишлар бўйича маълумот берилди.



Мамлакатимизда коррупциянинг ол- дини олиш ва унга қарши курашишда илғор хорижий тажрибалар кенг қўл- ланилиб, халқаро стандартлар жорий этилди. Ташкилотларнинг бу борадаги ишлари самарадорлигини ошириш мақ- садида рейтинг баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилди. Президентимиз томони- дан шу йил 12 январда қабул қилинган “Коррупцияға қарши курашиш ишлари- нинг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор бу борада дастура- мал бўлмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Ўзсаноатқурилиш- банк тизимида коррупцияға қарши кура- шиш ишлари халқаро мезонлар асосида йўлга қўйилди. Натижада жорий йилнинг июнь ойида банкка Коррупцияға қарши курашиш менежмент тизимининг ISO 37001:2016 халқаро стандарти талаб- ларига мувофиқлик сертификати тақдим этилди.

“Очиқ эшиклар куни” жамоатчилик олдида муассаса фаолияти очиклиги, хусусан, коррупцияға қарши курашишда амалға оширилаётган ишларнинг ҳи- собдорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Коррупцияға қарши менежмент тизими талаблари доира- сида олиб борилган ишлар сарҳисоб қилинди.

– Коррупцияға қарши менежмент ти- зимининг жорий этилгани банк фаолия- тида хатарлар хавфини камайтиради, манфаатдор томонлар (акциядорлар, ҳамкорлар, миҳозлар, инвесторлар, қолаверса, жамоатчилик) олдида ошқо- ралик ва ишончлилики таъминлайди, ташкилот ва манфаатдор томонларни коррупциянинг салбий оқибатларидан ҳимоялайди, муассасанинг ушбу йўна- лишда амалдаги қонунларға мувофиқ ишлаётганини намоён этади, – дейди “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Комплаенс- назорат департаменти бошқарма бош-

лиғи Шавкат Низаметдинов. – Шу боис жорий йилда ушбу тизими қайта кўриб чиқилиб, ISO 37001 халқаро стандарти ҳамда қонунчилик талабларига муво- фиқлаштирилди, 20 та ички меъёрий ҳужжат ишлаб чиқилди, коррупция- вий хавф-хатарлар харитаси тузилиб, тизим бўйича ички аудит ўтказилди. Бундан ташқари, бош банк ва ҳудудий тармоқлардан 3700 дан зиёд ходим коррупцияға қарши бошқарув тизими, хизмат вазифаларини бажаришда юзаға келадиган коррупцияға оид хавф-ха- тарлар ҳамда уларни баҳолаш тизими бўйича ўқитилди, 816 нафари тест си- новларидан ўтказилди. Халқаро стан- дарт талаблари асосида таҳсил олган 92 нафар раҳбар ходимға коррупция- га қарши бошқарув тизими менежери мақомини берувчи сертификат тақдим этилди.

Тадбирда иштирокчилар банк ти- зимида коррупцияға оид муружаатлар билан ишлаш, хизмат текширувларини ўтказиш, аризалар реестрини юришти механизмлари билан таништирилди.

Коррупцияға қарши курашиш агент- лиги масъуллари томонидан ҳамкор- ликдаги ишларға бағишланган тақдимот намоийиш этилиб, унда Ўзсаноатқури- лишбанк тизимида коррупцияға қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ кодекси, манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисида низом, алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракат- лар тўғрисида регламент, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти каби ички меъёрий ҳужжатлар пухта ишлаб чиқилганлиги алоҳида таъкид- ланди.

Ўзбекистон Республикаси Корруп- цияға қарши курашиш агентлиғи, ти- жорат банклари ҳамда ОАВ вакилла- ри иштирокидаги “Очиқ эшиклар куни” савол-жавобларға бой тарзда ўтди.

Банк ахборот хизмати

ҚУРИЛИШДА ЁНҒИН ХАВҒСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНГ!

Биоларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш дастлаб уларни лойиҳалаштириш ва қурилиш ишларидан бошланади.

Хавфсизлик талабларининг тўла бажарилиши кейинчалик уларда ёнғин содир бўлмаслигининг қафолати ҳисобланади. Қурилиш давом этаётган бино ва ин- шоотларнинг майдонларида, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнғин хавф- сизлиги тегишли қоидаларға амал қилиш орқали таъминланади. Масалан, барча ишчи-ходимлар техника қоидаларига риоя қилган ҳолда махсус кийим бошлар билан таъминланиши, қурилиш майдонларида пайвандаш ишларини махсус гувоҳно- маға эға бўлган ишчилар олиб бориши, қурилиш майдонларини ёнғинға қарши қалқон ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш, носоз ҳолдаги электр тармоқларидан, ишчи- лар хонасида ностандарт электр иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик керак. Тўлдирилган баллонлар тик ҳолда сақла- ниши лозим. Улар махсус катаклар ёки уяларға ўрнатилади ва камар, занжир ёки

қисқичлар билан маҳкамланади, кисло- род баллонларидан фойдаланиш, улар- ни сақлаш ва кўчиришда баллон ҳамда шланглар мой ва мойли материалларға тегиб кетмаслиғи чоралари кўрилиши ва шу каби бир қатор хавфсизлик чораларига риоя қилиниши керак.

Боғ яратган уни асрай билиши ҳам керак, деганларидай, бино ва иншоотлар бунёд этувчи ҳар бир бинокор-қурувчи, муҳандис мутахассис тегишли талаблар- ни пухта ўзлаштириб олиши, қурилиш жараёнида ёнғинларға олиб келувчи ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олиш юзасидан тегишли йўриқнома билан таъ- минланиши лозим. Бошқача айтганда, қурилишда амалдаги қоида-талабларға қатъий риоя этилиши шарт.

Ҳожиакбар АРТИКБАЕВ,
Тошкент тумани ФВБ Меъёрий-техника бўлими бошлиғи, капта лейтенант.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

ОТА-ОНАЛАР ЙИГИЛИШИ ҚАНДАЙ ЎТИШИ КЕРАК?

Мактабда ўқитувчилар ёшларга таълим-тарбия беришда ота-оналар билан ҳамкорликка алоҳида эътибор беришади. Шу кунларда мактабимизда ўтказиб келинаётган ота-оналар йиғилишлари илгариги тадбирлардан кескин фарқ қилмоқда. Синф раҳбарлари ўз ўқувчиларининг ўзлаштиришлари, хулқи ва бошқа маълумотларни доскада аниқ тасвирлаб бериш учун роликлар тайёрлашади.



Унда энг яхши ўзлаштирадиган ва хулқи билан намуна бўлаётган ўқувчиларнинг исми шарифи яшил рангда, ўртача ўзлаштирувчиларники сариқ рангда ва ўзлаштиришда орқада қолаётган, уй вазифаларини бажаришга кам эътибор берувчи ўқувчиларники қизил рангда ёзиб қўйилади. Йиғилишга келган ота-оналар ўз фарзандларининг рейтингини кўриб туришади. Йиғилишларда ўқитувчилар дарс пайтида ўқувчилар эътиборини чалғитувчи омилларга ота-оналар эътиборини жалб қилишмоқда. Бу борада айниқса, ўқувчининг телефон олиб юриши масаласи муҳим масала сифатида қизғин муҳокама қилинди. Айни пайтда мактабимизга телефон олиб келиш тақиқланганлиги уларга ҳам маъқул келди. Ўз навбатида ўқувчиларнинг уйларида ҳам телефондан фойдаланишни чеклаш тўғрисида фикрлар айтиб ўтилди. Болани китоб ўқишга, кундалик газета-журналлар билан таништиришга интилиш яхши самара бериши кўпчилик ота-оналар томонидан қўллаб-қувватланди. Улар ўзларининг мактабда ўқи-ган пайтларини эслашиб, газета-

журналларнинг, дарсликдан ташқари китобларнинг аҳамияти ҳақида гапиришди. Бунинг исботи улароқ яқинда мактабимиз ўқувчилари вилоятда ўтказилган китобхонлар кўрик-танловида совринли ўринни эгалладилар. Китоб, газета ва журналлар ўқишда ота-оналар фарзандларига ибрат кўрсатишлари лозимлиги уларга эслатиб ўтилди. Оилавий тадбирларда ўз фарзандларига китоб совға қилиш унинг китобга қизиқишини бирмунча бўлсада оширади. Мактабимизда анъанага айланиб бораётган “Китоб акцияси” тадбирида ота-оналаримизнинг фаоллиги ошиб бораётганлиги қувонарли. Болаларини етаклаб келиб бу тадбирда уларга қўллаб китоблар сотиб олиб бераётган ота-оналар сони кўпаймоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишда дарсдан ташқари ўтказиладиган тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Мактабимизда айни пайтда барча фанлардан ва бешта ташаббус бўйича жами ўнлаб тўғараклар ишлаб турибди. Улар ўқувчиларнинг таътил кунларида ҳам ўз ишларини тўхтатганлари йўқ. Яқинда бўлиб ўтган республика

АТ йўналиши бўйича ўтказилган мусобақада ўқитувчи М. Мавлонов раҳбарлигида шуғулланган ўқувчиларимиз биринчи ўринни эгаллашди. “Китобхон мактаб” йўналиши бўйича М.Норпўлатова раҳбарлигидаги ўқувчиларимиз иккинчи ўринни эгаллаб мактаб жамоаси 500 дан ортқ китоблар тўплами, бир тўплам компютер жиҳозлари, бир донa моно блок компютер ва медаллар билан тақдирланди. Бунга алоҳида эътибор билан қарайдиган ота-оналар тўғараклар ишини янада кучайтириш бўйича ўз таклифларини берадилар. Йиғилишларда фан ўқитувчилари, мактаб раҳбарлари бола тарбияси, уларнинг чуқур билим олишларида ота-оналар нималарга кўпроқ эътибор қаратиши бўйича ўз таклифларини билдиришади. Алоҳида ютуқларга эришган ўқувчиларнинг ота-оналарига мактабнинг ташаккурномалари топширилади.

Лола ҚУЛМАТОВА,
Ғузор туманидаги
1-ихтисослаштирилган
давлат умумтаълим мактаби
маънавий-маърифий ишлар
бўйича директор ўринбосари.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

ДЕНГИЗ УЗРА ШАРҚИРАБ ОҚАЁТГАН ҚУШИҚЛАР ЁХУД УСТОЗЛИК САНЪАТИ



Қани айт, мақсадинг нимадир сенинг,
Нега тилкалайсан бағримни, оҳанг?
Нечун керак бўлди сенга кўз ёшим,
Нечун керак, рубоб, сенга шунча ғам?

Абдулла Орипов “Муножот”ни тинглаб” ёзганми ва ё йиғлаб ёзганми бу шеърни? Симмиллаган дардининг эгаси ким ўзи, рубоб симларими ва ё симга теккан бармоқлар?.. Эшилиб, инграниб тўлғонган куй кимнинг кўз ёши, чолғунингми ва ё чолғучининг? Узоқдан янграган ҳазин оҳанглар Марғилонга, 8-сонли болалар мусика ва санъат мактабига етаклади бизни. Зиё масканига кирдиг-у, димоғимизга санъат нафаси урилди. О ерга турсан “митти юлдуз”лардан қанча нарсан ўрганиш мумкин-а! Улар майса-ю гулларда очилиб ётган оҳангни пайқай олади, денгиз-у тоғлардан шарқираб қўшиқлар оқаётганини илғашади. Шамол алёрига бош силкиган дарахтлардан биздан кўра яхши англайди. Ажабо, биз ҳам уларнинг чалган куйларидан сокин қонларимиз тўлқин-тўлқин бўлиб оқганини сездик. Ахир, жоннинг танага куй сеҳри билан осонгина киргани ҳақиқат-ку.

Муסיқа мактаби директори Муроджон Мирзаев билан суҳбат-

лашиб, ҳаммасини тушундик: “Мен доим иқтидорлар ичидаман, митти истеъдодлар дунёсида яшаш бутунлай бошқа нарсa. Болалар қалбини асраб қолишнинг йўли уни муסיқага ошно этиш. Муסיқани тушунмаганларга ачинаман. Ундай одамлар кўп нарсалардан бебаҳра қолади. Ҳаётнинг, дунёнинг ўзи муסיқалар симфониясидан иборат. Шамолнинг гувиллаши, момақалди роқ гумбурлаши, ёмғирнинг шиғалаб ёғиши... эҳе уларни эшитиш, ҳис қилиш мазза-да”. Мурод Мирзаев жамоадошларига, ўқувчиларига ҳаёт оҳангларини тинглашни ҳам ўргатади. Йўқса, унинг юзлаб ўқувчилари санъати билан дунёни пол қолдирмаган бўларди. Мактабнинг собиқ ўқувчиси, бир неча халқаро танловлар ғолиби Муроджон Комилжонов фақат бир воқеани айтиб бериди. 2017 йилда Қўзон шаҳрида ўтказиладиган танловга пухта тайёргарлик кўрган ёш қўшиқчи турли сабаблар билан Фарғона – Москва йўналишидаги эрталабки рейсга кеч қолади. Розияхоннинг тушунлиққа тушганини, кўзларида ёш айланганини кўрган мактаб директори тезлик билан қўшни вилоятлардаги аэропортлар билан боғланади. Унинг “Қизим, ҳали ҳисобимизда бир кун бор. Қайғурма, сени қушининг қанотида бўлса ҳам учириб юбораман” деган сўзлари

Розияхоннинг ҳали-ҳануз қулоғида. Ва ниҳоят, Мурод Мирзаев танлов қатнашчиларини кечаси Андижон аэропортидан Москва томон кузатиб юборади. Орзулари томон парвоз қилган қиз устозининг ишончи, оталарча меҳри учун ҳам мутлақ ғолиб бўлишга қаттиқ интилади. У сўзининг устидан чиқади. Гран при совриндори бўлди. Яхшилик бола қалбидатомир ёйиб, ҳар гал устози қаршисидан чиққанда ютуқларининг замирида ўша танловнинг ўрни алоҳида эканлигини ич-ичидан ҳис қилади.

Абдурауф Фитрат ҳақиқатни айтган экан-да: “Бола сув кабидир. Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби, болалар ҳам қайси муҳитда бўлса, ўша одоб-ахлоқни қабул қилади”. Бу ердаги болалар ростгўлик, меҳр-оқибат, яхшилик каби олижаноб туйғулар забт этган муҳитда улғаймоқда. Чунки санъат дидни тарбиялайди, ором беради, жунбўшга келтиради. Бежиз Чарли Чаплин қизига ёзган мактубида “Санъат учун саҳнага яланғоч чиксанг ҳам розиман” деб ёзмаган экан. Унинг қудратини тушуниш, англаш учун юксак дид, фаросат кераклиги шудир.

Мурод Мирзаев санъат орқали минглаб қалбларни тарбиялаётган ўқитувчи эканлигидан ҳамиша бахт ҳиссини туяди. Унинг ҳаёти муסיқа-ю оҳанглар билан ҳамоҳанг. Ўткир Ҳошимов “Чинакам асар туғилмасидан олдин унинг оҳанги, муסיқаси тайёр бўлади. Мана шу оҳанг адибни қўлидан судраб олиб келиб, столга “мих”лаб қўяди. Асарнинг жони дегани шу”, деб ёзганди. Қадрамонимизни ҳам санъатга ошнолик, куй-қўшиқлар сеҳри, митти истеъдодлар ҳар тонг мактаб томон шоширади. Унинг бахти, ҳаёти, жон-у жаҳони мактаб. Чунки у устоз!

Гўзал ОХУНОВА

Тахрир ҳайъати:

Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ, Мухаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАЙТОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

АМАЛИЙ УЧРАШУВ

Яшнобод туманидаги 69-ўрта мактабда ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида билим маскани ўқитувчи-мураббийлари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирокида қизиқарли суҳбат бўлиб ўтди. Мулоқотда туман фавқулодда вазиятлар бўлими инспектори лейтенант В. Пирмаматов ёнғин ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан муфассал маъруза қилди. Кейин ушбу мавзу юзасидан ўқувчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Шунингдек, тадбир давомида ёнғин хавфини бартараф этиш юзасидан профилактик амалий машғулотлар ўтказилди.

З. АХМЕДОВА,
маънавий-маърифий ишлар бўйича
директор ўринбосари.



Эълон

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!

“Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш бўйича танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига асосан белгиланган тартибда ўтказилади. Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан қабул қилинадиган аризалар танлов ўтказиш кунидан бир кун олдин 2023 йил 17 январь соат 18:00 да қўйланади. Талабгорлар танловда иштирок этиш учун топшириладиган ҳужжатлар ва бошқа қўшимча маълумотларни уюшманинг uzbekbaliqsanoat.uz расмий веб-сайти ёки (78) 148-70-70 ишонч телефони орқали олишлари мумкин.”

№	Туман номи	Табиий сув ҳавза номи	Майдон (гектар)
Самарқанд вилояти (танлов санаси 18.01.2023 й)			
Манзил:		Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони Қишлоқ хўжалиги бошқармаси 3 қават, 313 хона,	
1	Каттақўрғон тумани	“Каттақўрғон” сув омбори	7201

Қутлов



барча юртдошларимизни
8 ДЕКАБРЬ –
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ
ҚИЛИНГАН КУН
муносабати билан муборакбод этади.
Ватанга муҳаббат, Истиқлол
зояларига садоқат, миллий
қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром
туйғулари ҳамиша дилларимизни,
йўлларимизни ёритиб турсин.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-1247. 1233 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.10